

Шоир Мухаммад Али Андижон вилоятининг Бўз туманида 1942 йили дунёга келди. 1959 йили ўрта мактаби тамомлади. 1960 йили Ўзбекиегон Ёзувчилари уюшмаси томонидан Москвадаги М. Горкий номли Адабиёт институтига ўқишга юборилди. Мухаммад Али 1966 йилда институтни тамомлаб, Тошкентга кайтади ва Гафур Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриётида муҳаррирлик вазифасида ишлай бошлайди.

Шоирнинг илк шеърлари ўқувчилик йилларидаёқ вақтли матбуотда босилади. Биринчи йирик асари «Машраб» (1966) достонидир. Шундан кейин «Фазодаги хислар», «Шафак», «Оталар юрти», «Алвон чечаклар», «Достонлар», «Хаёт садоси (рус тилида, 1975), «Ниначи хақида эртақ» (1976) «Ок нур» (1977), «Илхом париси» (1980), «Бокий дунё» (1981), «Севсам, севилсам» (1983), «Соз» (рус тшгада) номли китоблари ўқувчилар кўлига тегди. Унинг «Дўстлик йўли» номли шеър ва достонлари (1990) козок ва коракалпок тилларида нашр этилган.

Маълумки, Мухаммад Али шоир, публитсист ёъки таржимон эмас, у романнавис сифатида ҳам шаклланиб бормоқда. Унинг «Бокий дунё» (1981) шеърый романи Мирмухсинпинг «Зиёд ва Адиба», Барот Бойкобиловнинг «Шукухли карвон», «Нотинч Хуросон», «Юлдузли осмон» каби шеърый романларига хамохангдир. Адибнинг «Сарбадорлар» (1990) романи эса насрий эпик асар бўлиб, икки китобдан иборатдир. Айни чоғда у тарихий роман сифатида ХИВ асрадаги энг ёркин тарихий-ижтимоий воқеаларни — сарбадорлик харакати тарихини камраб олганлиги билан характерланади. Энг мухими, бугун халкимиз эришган мустакиллик учун кураш илдизларини, манбаларини тушунишга йўл очади. Шунинг ўзи романнинг замонавий кимматини тайин этади. Айтиш мумкинки, Мухаммад Али кўп киррали ижодкорлардан. Унинг «Ошик бўлма, хак дийдорин кўрса бўлмас» (1992) номли публитсистик маколалар тўплами ҳам шундан кафолат беради. У айни чоғда мохир таржимон. Республика таржимонлар марказининг рахбари сифатида ҳам фаол ижод билан банд. Уфилология фанлари номзоди (1992), Ўзбекистон халк ёзувчиси хамдир (1992).

Шоир Мухаммад Али Пушкин, Байрон, Митскевич, Тагор, Абай, Туманян ва бошқалар асарларини, буюк хинд эпоси «Рамайна»ни ўзбек тилига ўгирди.